08 01 18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ХИВА ТУМАНИ ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
XIVA TUMANI HOKIMI
QARORI

2018 йил "08" январь № 72. Хива туман

Хива туманнинг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон*) 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ–3454-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят хокимининг 2018 йил 5 январ 5к-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят хокимининг 2018 йил 5 январдаги "Хоразм вилоятининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида"ги 5к-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йилга мўлжалланган туман маҳаллий бюджетининг:

Туманнинг 2018 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетларининг 2018 йилги даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, вилоят бюджетидан ижтимоий соҳа учун трансфертлар миқдорлари 2-иловага* мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага* мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага* мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман молия бўлими (Рўзметов)га (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетга бюджетдан рансфертлар ва ссудалар ажратишда уларнинг миқдорларини барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича маҳаллий бюджетнинг харажатларини молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш топширилсин.

4. Туман молия бўлимининг 2017 йилги туман маҳаллий бюджети даромадларини 51.5 млрд.сўм ва харажатларини 97.8 млрд.сўм миқдорида аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

5. Хива туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 34-99-сонли қарори билан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарор "Хива тонги" газетасида эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Хасанов зиммасига юклатилсин.

Хива туман ҳокими: **О.Матякубов**

Бажарди: Ж.Абдуллаев
Телефон рақами: 0362-375-42-65

*иловалар рус тилида берилади